

**40769055 /2** -СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШ ТЎҒРИСИДАШАРТНОМАСИ  
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Андижон ш.

2022 йил "21" январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан 2021 йил "07"январдаги 50-02-08/47-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Андижон филиали директори X. F. Якубов (кейинги ўринларда - Оператор) бир томондан ва **Хуясиди Устаси** номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **М. Рахимонов** (кейинги ўринларда - Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйдагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ)расмий веб-сайтида эълон қўлинига ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертанинг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептни) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатниш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўлоявлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузишганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузишган вақтда белгиланган барча солинклар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчى ойда ушбу Шартнома тузишган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг 1-сонли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келинпув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблагъларни ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатишни мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўлоявларни амалга оширилмагига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишни шунингдек, ҳисбот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўлоявларининг олдини олини истаса, Абонент ҳисбот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиша блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера қонидлари билан тартибиға солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентта тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўлоявиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентта пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдор кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз ўтироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг ўтироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада), тегишли тузатилларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат кати асосида Оператор томонидан Абонентта хизматлардан фойдаланиш имкониги берилини мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганилиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилини тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажарини билан боялиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иштисодий судида кўриб чиқилади.

###### 6. Алоҳида ишлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиши даврида ўз ҳукуқлари ва маъжбуриятлари билан бояниқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузини мумкин бўлган ҳар қанда, чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмаслислари юзасидан маъжбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданийтини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиши даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига бояниқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonoma/шикоят/тақлиф кўринишидаги мурожаати кўпини билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат таълаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда маъжбурий равишда хабардор қилинади.

###### 7. Якуний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тутаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбик этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттираса ва Томонларнинг хеч биринин бекор қилинишини эълон қилимаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейниги йилга узайтирилади.

7.2.1. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул қилганинги ҳақидаги жавобини) билдиради.


7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришилар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришилар амала оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарий кун ичидаги бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиғланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

###### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: "Ўзбектелеком" АҚАндиконфилиали Манзил: Андикон ш., Лермонтов к., 12. Банк маълумотлари: х/р: 20210000104074838308 СТИР: 203366731 МФО: 00401 Банк: АТБ "Алоқабанк" Тошкентфилиали Тел: (74) 224-0424, (74) 226-2003 E-mail: andtel@uztelecom.uz</p> <p>Оператор номидан: Якубов Ҳасанбой / </p> <p></p>	<p>АБОНЕНТ: <b>ЧУЗНОР 776</b> <b>Бобур МУРДИНОВ</b></p> <p>Манзил: <b>Бобур МУРДИНОВ</b> Банк маълумотлари: х/р: <b>100022860032177072120054002</b> СТИР: <b>200273992</b> МФО: <b>00014</b>; Банк номи: <b>Банк Узбекистон</b> Тел: <b>747611016</b> E-mail: <b>747611016</b></p> <p>Абонент номидан:  </p>
---	---

2022 йил  
№ 40769055/2 шартномага  
1 -иљва

21 - ғН ғарб6

(сум хисобда)

2022 йил ойлари номи	ИЛОКА ХИЗМАТИ			ЖАМИИ СУММА	ШУНДАЙ	
	Интернет нұкталар сөнни	Жами 1 ойлық мінездік түлови	Жами сумма		Бюджет хисобдан	Махсус хисоб ракамдан
Нийзик				6000000	6000000	6000000
1-чорак				6000000	6000000	6000000
Январ	4	1000000	4000000	4000000	4000000	4000000
Февраль	1	1000000	1000000	1000000	1000000	1000000
Март	1	1000000	1000000	1000000	1000000	1000000
2-чорак						
Апрел						
Май						
Июн						
3-чорак						
Июл						
Август						
Сентябрь						
4-чорак						
Октябрь						
Ноябрь						
Декабрь						



“ОПЕРАТОР”

“Узбектелеком” АҚ Андіжон филиали  
Улугнор телекоммуникациялар бөлгемаси  
Манзили : Улугнор туман маркази.  
Банк: Алкабанк Андіжон филиали  
Х.Р.20210000104074838308  
МФО: 00401ksi an  
ИНН: 203366731 ОКОНХ: 61100

Рахбар,  X. Якубов

А.М.



“Бюджет ташкилоти”  
Улугнор туман   
Манзили:   
Тел: 747611016  
Ш.Х.Р: 100022860032177072120054002  
ИНН: 200273992 ОКОНХ: 91511  
Газнаначник бўлинимаси номи

ИД: 03402000300100001010  
ИНН: (газна) 201322919

  
U. Rakhmonov  
(ФИН)

Ulug`nor tuman tibbiyot  
birlashmasiga

**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjanlariga muvofiqligi  
to`g`risida huquqiy xulosa №ZX11638018**

21.01.2022 yil

Ulug`nor tumani

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi. Telekomunikasiya xizmatlari kursatilishi to`g`risidagi shartnoma.

“O`zbektelekom” aksiyadorlik kompaniyasi Andijon filiali va Ulug`nor tuman tibbiyot birlashmasi o`rtasida 2022 yil yanvar oyida tuzilgan umumiy qiymati 6000000 (Olti million) so`m bo`lgan telekomunikasiya xizmatlari kursatilishi to`g`risidagi 40769055/2 -sonli shartnoma.

3. Telekomunikasiya xizmatlari kursatilishi to`g`risidagi shartnoma amalda qonun xujjalrlariga muvofiq ishlab chiqilgan bo`lib uni qabul qilish va ijroga qaratish maqsadga muvofiq.

**Ulug`nor tuman yuridik xizmat  
ko`rsatish markazi rahbari:**



**U.M.Muxammadjonov**